

Жорий таъмирлаш шартномаси № 29

«6» декабр 2022 йил

Термиз тумани.

«Термиз туман Халк таълими бўлими», бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, раҳбари **У.Хакбердиев**, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва «Янги Хаёт қурилиш универсал» МЧЖ, бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи, раҳбари **Г.Султонов**, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан куйидагилар тугрисида шартнома тузадилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан буюртма килинган «Термиз туман Халк таълими бўлими» га қарашли умумий урта таълим мактабларига жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш ҳажми буйича бажарилган жорий таъмирлаш ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида туловларни амалга оширади.

2. БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ХАЖМИНИНГ НАРХИ ВА УМУМИЙ КИЙМАТИ:

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий киймати Республикамиз миллий валютаси сумда белгиланади.

2.2 Бажариладиган иш ҳажми буйича смета ҳужжатларини лойиха корхоналарига буюртма бериш «Буюртмачи» томонидан туловни амалга ошириш эса «Иш бажарувчи» томонидан амалга оширилади.

2.2 Шартнома умумий суммаси 95 000 000 сум (Туксон беш миллион) сўм, шундан қушилган киймат солиғи 12 391 304,35 сумни ташкил қилади.

2.3 Бажариладиган ишнинг киймати, нарх ошганлиги натижасида узгарганда, «Буюртмачи»га олдиндан хабардор қилиб, узгарган нархини асослаган ҳолда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» узгарган нархлар асосида қушимча туловларни бюджетда курсатилган лимит доирасида амалга оширади.

3. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ:

3.1 Шартнома тулик кийматининг 30 % миқдориди 5 банк куниди «Иш бажарувчи»нинг махсус ҳисоб рақамига (сумда) олдиндан туловни амалга оширади.

3.2 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада курсатилган иш хажмини бажармасликга ҳақли бўлади.

3.3 «Буюртмачи» туловларни ф-2 га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган ҳолда амалга оширилади, яъни таъмирлаш ишлари бажарилиши давомида бажарилган ишлар далолатномаси асосида 10 банк куниди давомида тулаб борилиши назарда тутилсин.

4. ИШНИНГ БАЖАРИЛИШ ТАРТИБИ:

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда «Иш бажарувчи» сметада курсатилган ишларни 10 банк куниди ичида тулик бажариши шарт.

4.2 Бажариладиган иш хажми буйича туловлар ажратиладиган бюджет маблағларига нисбатан смета лойиха ҳужжатларига асосланган ҳолда ошқича бажариладиган бўлса ёки шартномадаги суммага нисбатан ортиқча бажарилса, «Иш бажарувчи» «Буюртмачи» га ортиқча бажарилган ишлар юзасидан бажарилган таъмирлаш ишлари буйича назорат улчов далолатномасини тақдим этиши шарт.

4.3. Бажариладиган иш жараёни давомида сметада курсатилган иш хажмлари буйича «Иш бажарувчи» ва «Буюртмачи»нинг узаро келишувига мувофиқ айрим бажариладиган иш турлари урнига сметада курсатилмаган бошқа иш турлари бажарилиши ҳолати юзага келиши мумкин. Бу ҳолатда, «Иш бажарувчи» сметада курсатилмаган иш турини бажариб, сунга лойиха идораларига тақдим этиши ва уз навбатида лойиха идоралари томонидан смета ҳужжатларига «қупайтириш ва қамайтириш» (исключение или добавка) маълумотномаси тайёрлаиб, «Иш бажарувчи» ва «Буюртмачи» томонидан тасдиқланиши шарт.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

5.1 «Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

- Олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг, шартномада курсатилган иш хажмини бажаришни бошлайди.

- «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

- Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни уз вақтида бартараф этиб боради.

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

- Бажарилган иш хажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон куздан кечиради ва унинг сифатига яроқлилигига эътибор беради;

- Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тулик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.

- Бажарилган иш хажми «Буюртмачи» томонидан тулик қабул қилиб олингандан сунг «Иш бажарувчи»га шартномада курсатилган сумманинг қолган қисмини тулик утқазиб бериши шарт.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ:

6.1. Томонлар шартномада курсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хужалик юритувчи

субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Қонунининг асосан 25-32 бандлари бўйича жавобгар буладилар.

6.2. Туловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 микдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. Шартномада курсатилган иш ҳажмини уз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % микдорда, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тулайди.

6.4. Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан қабул қилингандан кейин икки томоннинг келишувига биноан 3 ой муддатга жавобгарлик «Иш бажарувчи» томонида қолади.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама узгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРИШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

8.1.Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ҳодими ўз ҳизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкрий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

8.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга булади. Узгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

8.4.Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ:

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар уртасада шартномани тузишда, бажарилишида, узгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзга келадиган низолар оғохлантириш ва даъво хатлари тартибда, агарда муроасага келинмаганда вилоят Хужалик Суди орқали хал қилинади.

9. ҚЎШИМЧАЛАР:

8.1. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга булади. Узгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

10. ФОРС- МАЖОР:

10.1 Агар шартнома тузилгандан сунг икки томон уз мажбуриятларини гайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тула ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ:

9.1.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради ва 31.12.2022 йилгача амалда булади.

9.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг кучга эга. бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос булади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

«БЮЮРТМАЧИ»

«Бажарувчи»

НОМИ «Термиз туман Халқ таълими бўлими»

НОМИ: ООУ «Янгиҳаёт» қурилиш универсал»

МАНЗИЛ Термиз тумани «Янгиҳаёт»

МАНЗИЛ Термиз тумани «Янги ҳаёт»

махалласи

махалласи

X\Р 1000 228 60 2222 07032 100075047

X\Р 20 208 000 905 074 539 001

ИНН 20-122620 ОКОНХ

ИНН 306 392 854 ОКЭД 1881

Банки: ХҚМ Тошкент шаҳри

Банки: ТИФ Миллийбанк Термиз фил

МФО: 000 14 тел 99 115 52 09

МФО: 00324 тел 97 244 07 43

РАХБАР У.Хакбердиев

РАХБАР Г.Султонов

(имзо) (ф.и.о)

(имзо) (ф.и.о)



**200980 лот юзасидан шаклланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

09.12.2022 14:38

Комиссия раиси:



XAQBERDIYEV UKTAM BURIYEVICH



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri, Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Typon" bank Tel-Fax:
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: NURALIYEV NURBEK BAXTIYOROVICH

Sana: 23-11-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 77252

Obyekt nomi «Surxondaryo viloyati Termiz tumani 25 sonli maktabni joriy ta'mirlash ishchi loyihasi bo'yicha.»

Buyurtmachi - Surxondaryo viloyati Termiz tumani Xalq ta'limi bo'limi.

Bosh loyihachi - "Surxon servis arx proekt" MChJ

Litsenziya AL-000512 sonli 2020 yil 23 yanvarda O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablaglari

Bosh pudratchi - Erkin tanlov savdolari asosida aniqlanadi

Qurilish turi Joriy ta'mirlash

Murojaat raqami: № 67260

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Buyurtmachi tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan loyiha topshirig'i.

1.2. Buyurtmachining 2022 yil 10 noyabrdagi 01-14/366 va 01-14/367 sonli aloqa xatlari.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Yo'riqnoma

2.2. Qurilishni tashkillashtirish loyihasi.

2.3. Ish hajmi dalolatnomasi.

2.4. Smeta hujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Ushbu joriy ta'mir loyihasida Surxondaryo viloyati Termiz tumani 25 sonli maktabni joriy ta'mirlash rejalashtirilgan.

Buyurtmachi va bosh loyihachi tashkilotlari vakillaridan iborat komissiya a'zolari ishtirokida binolar texnik holati vizual ko'rikdan o'tqazilishi natijasida nuqsonlar dalolatnomasi tuzilgan va buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan.

Nuqsonlar dalolatnomasiga ko'ra linoleum va yog'och plintuslar smetaga narxsiz kiritilgan.

Mazkur nuqsonlar dalolatnomasiga asosan quyidagi ishlar bajarilishi ko'zda tutilgan:

- polarning linoleum qoplamasini buzib olish va sementli qorishma bilan 20mm qalinlikda styajka to'shash,
- yangidan linoleum qoplamasi to'shash va yog'och plintuslar qoqish,
- fasad yuzasini mavjud bo'yoqli pardozidan tozalash,
- tozalangan fasad yuzasini yangidan perxlorvinil bo'yoqlash.

QTL taqvimiy jadvaliga ko'ra joriy ta'mirlash davomiylik muddati 1.5 oyni tashkil qiladi.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertizadan o'tkazish jarayonida lokal ekspert xulosalar bo'yicha aniqlangan kamchiliklar va takliflar asosida loyihachi tomonidan ishchi loyihaga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritildi:

- nuqsonlarlar dalolatnomasi loyihachi tomondan rasmiylashtirildi,
- yo'riqnoma va qurilishni tashkillashtirish loyihasi taqdim qilindi,
- resurs ko'rsatkichlarining narxleri (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transprot harajatlari, materiallar) joriy narxlar kataloglari bo'yicha to'g'irlandi.

6.2. Qurilish ishlari qiymati hisobi

Taqdim etilgan loyihaning qurilish ishlari qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) bilan **116 194,748 ming so'm** ni tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra, taqdim etilgan qiymati **4 612,263 ming so'm** miqdorida kamayib **111 582,485 ming so'm** miqdorida tasdiqlash uchun tavsiya etildi, jumladan:

- | | |
|--------------------------------------|-------------------------|
| • qurilish montaj ishlari | - 92 985,404 ming so'm, |
| • qo'shimcha qiymat solig'i | - 13 947,811 ming so'm, |
| • buyurtmachining boshqa xarajatlari | - 4 649,270 ming so'm. |

Kamayishshga ayrim ish turlari bo'yicha hajmlariga va resurs ko'rsatigichlari me'yorlariga, hamda qurilish materiallari narxlariga aniqlik kiritilganligi natijasida erishildi.

6.3. "Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi" DUK Surxondaryo viloyati filiali nuqsonlar dalolatnomasiga kiritilgan ish hajmlari to'g'riligiga ma'sul emas.

6.4. Buyurtmachining boshqa harajatlari miqdorini 4.01.16-19 sonli ShNQ talablariga asosan qurilish boshlanishdan oldin aniqlash buyurtmachi va bosh loyihachi zimmasiga yuklatiladi.

6.5. Buyurtmachi loyiha xujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17 sentabrdagi 579 sonli qarorining 7 ilovasiga muvofiq:

- yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng nazorot o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi;
- ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan xujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Surxondaryo viloyati Termiz tumani 25 sonli maktabni joriy ta'mirlash" ishchi loyihasi qiymatini kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 6 iyuldagi 261 sonli qaroriga va ShNK 04.01.06-09 asos tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi.

Bosh mutaxassis: Soatmurodov Boxodir Allamurodovich

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

IS3713843633

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: YANGI HAYOT QURILISH MCHJ VA TERMIZ TUMAN HALQ TA'LIMI BO'LIMI O'RTASIDAGI 95 000 000 SO'MLIK HAQ EVAZIGA XIZMAT KO'RSATISH SHARTNOMASI.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: TERMIZ TUMANI XALQ TA'LIMI BO'LIMI tomonidan 12.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Termiz tumani yuridik
markaz rahbari:**



A.G.TEMIROV

12.12.2022